



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА
БОШҚА ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. ИИВ Академияси, Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант. Илмий мутахассислиги: 12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. Преподаватель кафедры государственно-правовых дисциплин и защиты прав человека Академии Министерсва внутренних дел, старший лейтенант. Научная специальность: 12.00.13 - Права человека. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Choriyev Mahmudjon Ahmad o'g'li. Teacher of the Department of State-legal disciplines and ensuring of human rights of the Academy of the Ministry of Internal Affairs, senior lieutenant. Scientific specialty: 12.00.13 Human rights. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат ижроия ҳокимият органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш соҳасидаги роли ва аҳамияти таҳлил қилинади. Муаллиф томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва янгиланган Конституция доирасида ижроия ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш механизмлари ҳамда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини ривожлантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, ижроия ҳокимияти органларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган илмий-назарий таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилган.



Калит сўзлар: *ижроия ҳокимияти, Вазирлар Маҳкамаси, инсон ҳуқуқлари, Конституция, ҳуқуқий кафолатлар, давлат бошқаруви, маъмурий ислохотлар, ҳуқуқ устуворлиги, фуқаролик жамияти.*

Аннотация: В статье анализируются роль и значение Кабинета Министров Республики Узбекистан и других органов исполнительной власти в сфере обеспечения, защиты и гарантирования прав и свобод человека. В контексте Стратегии развития Нового Узбекистана и обновленной Конституции автором рассматриваются административные реформы, проводимые в системе исполнительной власти, механизмы обеспечения верховенства закона и вопросы развития диалога государственных органов с населением. Также выдвинуты научно-теоретические предложения и практические рекомендации, направленные на дальнейшее повышение эффективности деятельности органов исполнительной власти в сфере обеспечения прав человека.

Ключевые слова: *исполнительная власть, Кабинет Министров, права человека, Конституция, правовые гарантии, государственное управление, административные реформы, верховенство закона, гражданское общество.*

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини



таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган. Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ ендиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил етади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги таҳрирда баён етиш таклиф қилинади: “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар,



муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил етади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг тузилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунда белгилаб берилган.

Ижро этувчи ҳокимият – ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи, ташкилий-ҳуқуқий механизмга эга бўлган давлат ҳокимияти тизимининг алоҳида мустақил бўғинидир.

Ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг асосий мақсади:

- 1) фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- 2) фуқаро ҳаёти, жамият фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун шароит яратиш бериш;



3) фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари ҳамда кишиларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркин яшашлари учун қулай имконият яратиб беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари:

- коллегиялик
- демократия ва қонунийлик
- барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари:

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;



5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.



Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий,



ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий



Мажлиснинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини зиммасидан соқит қилиш янги шакллантирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ўтказилган кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига Бош вазир томонидан ёзма мурожаат бериш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ўзларининг мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги тегишли қарорларни қабул қилади.

Адабиётлар

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023. -128 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1 ж. – Т., 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – 2 ж. – Т., 2018. – 508 б.



4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – 4 ж. – Т., 2020 й. – 456 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т., 2022 й. – 416 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (2022 йил 20 декабрь).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-67-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрь «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон-2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида 37-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний



манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5005-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнь қабул қилинган «Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-544-сон.

14. Одилқориев Ҳ., Тультеев И. Икки палатали парламент. – Т., 2005.

15. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. –Т., 2005.

16. Одилқориев Ҳ.Т., Мухамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

17. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик / О.Т.Хусанов. - Т.: 2021. – 400-бет.

18. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик / О.Т.Хусанов. - Т.: 2023. – 536-бет.